ОЗУҚАВИЙ ҚЎШИЛМАЛАРНИНГ ПИВОНИ СЕРТИФИКАТЛАШДАГИ РОЛИ

Д.Т.Хасанова

Мақолада пиво маҳсулотларини сертификатлашда асосий меъёрлардан бири сифатида уларнинг таркибидаги озуқавий қўшилмаларни қабул қилиш зарурати асослаб берилган.

Калит сўзлар: *пиво, пиво маҳсулоти, озуқавий қўшилмалар, сертификатлаш.*

В статье обоснована необходимость рассмотрения наличия в составе пивной продукции пищевых добавок как одного и основных критериев при сертификации.

Ключевые слова*: пиво, пивная продукция, пищевые добавки, сертификация.*

This article stresses the necessity of considering the amount of food additives in beer certification.

Key words: *beer, beer production, food additives, certification.*

Озуқавий қўшилмалар, одатда, таъм, ҳид, ранг бериш, иштаҳа очиш, турли бузилиш ва айнишларни бартараф этиш мақсадларида қўлланади. Кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳатто доривор препаратлар ҳам синтетик қўшилмалар тутади. Бунинг натижасида одам йилига 2,5 кг гача турли озуқавий қўшилмалар истеъмол қилади [1].

Биологларнинг аниқлашларича, қатор озуқавий қўшилмалар қондаги алкоголнинг парчаланишини сусайтиради, ҳазм тизимини бузади ва кўпгина минерал моддаларнинг сўрилишига ҳалақит бериб, юрак-қон томир касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлади. Уларни инсон организмига зарарли таъсирига кўра: ман қилинган, хавф-

ли, турли касалликларни чақирувчи, терига салбий таъсир қилувчи, овқат ҳазм қилиш тизимига салбий таъсир қилувчи, қон босимини оширувчи, қонда холестерин миқдорини оширувчи, аллергия чақирувчи, канцероген озуқавий қўшилмаларга ажратилган ва кўплаб мамлакатларда улардан фойдаланиш тақиқланган [2-5].

Айни пайтда, замонавий озиқ-овқат саноатида озуқавий қўшилмаларни мутлақо ишлатмасликнинг ҳам имкони йўқ. Бусиз озиқ-овқат маҳсулотларини саноат миқёсида ишлаб чиқариб бўлмайди. Жумладан, пиво ишлаб чиқаришда қўлланувчи антиоксидловчилар оксидланиш жараёнини сусайтириб, ферментатив оксидланишини вақтинчалик чўзади. Натижада сақланиш муддатини бир неча баробарга орттириш мумкин. Озуқавий ароматизатор маҳсулотларнинг ҳиди ва таъмини оширишга хизмат қилади. Бўёвчи моддалар маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлаш жараёнларида табиий рангини ушлаб қолиш ёки сунъий бўяшда ишлатилади. Консервантлардан микроорганизмларнинг кўпайишига қарши фойдаланилади. Кўпик стабилизаторлари пиво кўпиги тез ўтиришининг олдини олиш учун қўлланади (жадвалга қаранг).

Пиво ишлаб чиқаришда қўлланиладиган озуқавий қўшилмалар

Кимёвий формуласи	Кимёвий номи	Индекси
	Карамель	E150a
	Жигар ранг тус берувчи	E155
	Натрий бензоат	E211

	п-гидроксибензой кислотанинг гептил эфири	E209
	Бензой кислота	E210
	Кальций бензоат	E213
SO	Олтингугурт (II)-оксид	E220
Na_2SO_3	Натрий сульфит	E221
$NaHSO_3$	Натрий гидросульфит	E222
$Na_4S_2O_8$	Натрий пиросульфат	E223
$K_4S_2O_8$	Калий пиросульфат	E224
$Ca_2S_2O_8$	Кальций пиросульфат	E226
$Ca(HSO_4)_2$	Кальций гидросульфат	E227
	калийбензоат	E212

Ҳозирги вақтда пиво маҳсулотларини сертификатлаш жараёнларида озуқавий қўшилмаларни назорат қилиш тўлиқ йўлга қўйилмаган. Бу эса пиво маҳсулотларини тўғри сертификатлаштиришни таъминлаб бера олмайди. Ушбу жараённинг бугунги кун талабларига мос келишини таъминлаш учун биз *озуқавий қўшилмаларнинг истеъмол учун меъёрий кўрсаткичларини аниқлаш ва белгилаш орқали уларни кимёвий назорат қилишни таклиф этамиз*.

Маҳаллий пиво маҳсулотларига Ўзбекитон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария эпидемиология Маркази томонидан – “Гигиеник сертификат” (ГС) ва Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги ёки унинг аккредитациясидан ўтган ваколатли ҳудудий сертификат агентликлари томонидан – “Мувофиқлик сертификати (МС)” бери-

лади. Юқоридаги сертификатлар асосида корхона маҳсулот ишлаб чиқаради ва унга ўз кимёвий таҳлил лабораторияси томонидан берилган сертификат билан савдо шаҳобчаларига етказади. ГС ва МС ни олиш учун пиво маҳсулотларининг қуйидаги физик-кимёвий кўрсаткичлари текширилади [6-8]:

- бошланғич шарбатдаги қуруқ моддаларнинг масса улуши;
- спиртнинг масса улуши;
- кислоталилик;
- ранги;
- карбонат ангидриднинг масса улуши;
- ҳақиқий экстракт миқдори.

Ҳар қандай маҳсулот истеъмолчига тақдим этилиши учун албатта сертификатланиши зарур. Агарда маҳсулот чет давлатларга экспорт қилинса ёки бошқа давлатлардан олиб келинса, албатта, унга халқаро код рақами берилиши талаб этилади. Товарга сертификат ёки халқаро код рақами беришда унинг кимёвий таркиби асос қилиб олиниши амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда йилига 22000 далл (1 далл=100 л) пиво маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Маҳаллий маҳсулотлардан ташқари 4000 далл пиво четдан импорт қилинади. Ички бозорга четдан олиб кирилаётган пиво маҳсулотларининг божхона юк декларацияларида МС берилиб, бу сертификат божхона экспертиза лабораториясида қайта текширилади. Қайта физик-кимёвий назоратдан ўтган маҳсулот Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги ёки унинг аккредитациясидан ўтган ваколатли ҳудудий сертификат агентликларида қайта назорат қилиниб, истеъмолчиларга етказилади. Четдан кириб келаётган пиволарнинг барча физик-кимёвий кўрсаткичлари назорат қилинса-да, *уларнинг таркибидаги озуқавий қўшилмалар назоратга олинмаган*.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, пиво ишлаб чиқаришда озуқавий қўшилмалар ишлатилишини инобатга олган ҳолда, пиво маҳсулотларининг экспорт-импорт жараёнида уларнинг таркибидаги озуқавий қўшилмаларни санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича изчил назорат қилишни таклиф этамиз.

Адабиётлар:

1. Пищевые добавки // https:// ru. wikipedia org / wiki /
2. Нужный В.П. Пиво: химический состав, пищевая ценность, биологическое действие и потребление.- М.: Академия, 2003.- С.2-7.
3. Сарафанова Л.А. Пищевые добавки.- Спб: Гиорд, 1997.- С.22-30
4. Серов Ю.А. Опасные пищевые Е-добавки.- М., 2001.- С.8-11, 25
5. Ф.Главчек, А.Лхотский. Пивоварение.- М., 2000.- С.77-80
6. ЎзРСТ 230-96. Пиво. Махаллий навлар.- Б.4.
7. СанПиН. – М.,2002.- 2,3,2, 1078-01.
8. Асқаров И.Р., Тўхтабоев Н.Х., Хасанова Д.Т. «Баркамол» пиво навидаги кислота ва карбонат ангидрид миқдорини аниқлаш. // «Ўзбекистон табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш» мавзусидаги илмий-амалий анжуман.- Андижон, 2001.

Андижон давлат университети,
2016 йил 30 мартда қабул қилинган,
(Тақризчи: доц. Н.Тўхтабоев)